



ЖАҲОН БАНКИ БИЛАН СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ МУҲИМЛИГИ ҚАЙД ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 9 март куни Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё минтақаси бўйича вице-президенти Анна Бьерде бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Ўзбекистон ва Жаҳон банки гуруҳи ўртасидаги стратегик шериклик ва кўп қиррали ҳамкорлики, шунингдек, ушбу етакчи халқаро институтнинг малякатимиздаги ислохотлар дастурини илгари суришдаги фаол иштирокини кенгайтиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Учрашув аввалида давлатимиз раҳбари Анна Бьердени яқинда янги лавозимга тайинлангани билан самимий кутлави ва масъулиятли фаолиятида катта муваффақиятлар тилади.

Амалий ҳамкорлиқнинг юқори суръати ва натижадорлиги катта мамнуният билан қайд этилди. Кейинги йилларда қўшма лойиҳалар портфели сезиларли даражада кенгайиб, 10 миллиард доллардан ошди. Бунда, 2017 йилдан кейинги даврдаги молиялаштириш ҳажмининг ямғир охири бир неча йилда ажратилган. Бугун Ўзбекистон Банкининг энг йирик бенефициарларидан бирига айланди.

Иқтисодийetni карбонсизлаштириш ва муқобил энергетикани ривожлантириш, электр энергияси ишлаб чиқариш ва узатиш соҳасида мастер-режалар, энергетик самарадорлиқни ошириш дастури ва фавқулодда вазиятларда энерготизимнинг барқарор ишлаш режими ишлаб чиқиш, гидроэнергетика лойиҳаларига экспертлар кўмагини ва молиялаштириш жалб қилиш ҳамкорлиқнинг устувор йўналишлари сифатида белгиланди.

Ўзбекистоннинг иқлим ўзгаришлари ва тараққиёти бўйича мамлакат ҳисоботини муҳокама қилишга бағишланган қўшма тadbирнинг яқунлари юксак баҳоланди. Бюджетни қўллаб-қувватлаш, ер ислохоти, қишлоқ ва сув ҳўжалигини молиялаштириш шунингдек давлат банклари ва корхоналарини хусусийлаштириш дастурини жадаллаштириш борасидаги амалий ишларни давом эттириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ислохотлар ва устувор лойиҳаларни илгари суриш учун Жаҳон банкининг "Мамлакат платформаси" имкониятларидан кенг фойдаланилиши таъкидланди. Банк Марказий Осиёда барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлашга қаратилган стратегик минтақавий лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этиши муҳим экани кўрсатиб ўтилди.

Устувор лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга оширишни тезлаштириш юзасидан қўшма "йўл харитаси"ни қабул қилишга келишиб олинди.

Ўзбекистоннинг иқлим ўзгаришлари ва тараққиёти бўйича мамлакат ҳисоботини муҳокама қилишга бағишланган қўшма тadbирнинг яқунлари юксак баҳоланди.

ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХўЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИДА

Англашув меморандуми имзоланди



Ҳамкорлик алоқаларини янада мустақкамлаш мақсадида корейлик мутахассислар иштирокида Корея қурилиш технологиялари ва меъёрий ҳужжатларини модернизация қилиш бўйича семинар ўтказилди.

Унда Шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини модернизация қилиш, жумладан, сейсмик лойиҳалаш ва сейсмик юкни камайтириш чоралари, биноларнинг энергия самарадорлиги ва энергия самарадор қурилиш материаллари бўйича қўшма лойиҳанинг йўл харитаси, ривожланиш истиқболлари

сингари долзарб масалалар муҳокама этилди. Муҳокамалар якунида КИСТ ҳамда Қурилишда техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти билан ҳамкорлиқнинг янги босқичи – англашув меморандуми имзоланди.

2-бет

ЎЗБЕКISTON ПРЕЗИДЕНТИ ОИИБ БИЛАН КЕНГ ҚўЛАМЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ АСОСИЙ ЙўНАЛИШЛАРИНИ БЕЛГИЛАБ БЕРДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 9 март куни Осиё инфратузилмавий инвестициялар банкнинг ушбу нуфузли молиявий институт президенти Цзинь Лицонь бошчилигидаги делегациясини қабул қилди.

Кўп қиррали шериклики янада кенгайтиришнинг амалий жиҳатлари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари кейинги йилларда Банк билан муносабатларда юксак даражага эришилганини мамнуният билан қайд этди.

Ҳамкорлик портфели 2 миллиард долларга етди. Транспорт, энергетика, қишлоқ хўжалиги ва коммунал соҳа, тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича муҳим лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки президенти Цзинь Лицонь Янги Ўзбекистондаги ортага қайтмас ислохотлар дастурини юқори баҳолади ва уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёрлигини билдирди.

Банк камбағалликка қарши курашиш

ва энг аввало, қишлоқ жойларда иш ўринларини яратиш, давлат-хусусий шериклик ва лойиҳаларни аралаш тарзда молиялаштириш механизмларини жорий қилиш, тadbиркорликни қўллаб-қувватлашни кенгайтириш ва бошқа муҳим йўналишларда Ўзбекистон билан стратегик шериклиқни ривожлантиришга интилиши қайд этилди.

Марказий Осиё минтақасида стратегик муҳим инфратузилма лойиҳаларини илгари суриш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Кенг қўламли ҳамкорлик доирасидаги лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириш ва натижадорлигини таъминлашга қаратилган янги ўрта муддатли Шериклик дастури ва "йўл харитаси"ни ишлаб чиқиш юзасидан келишиб олинди.

Ў.А.

МУНОСАБАТ

Фарзандларим камолдан куч оламан, қувонаман

Ойнагул РИСКУЛОВА, Марҳамат туманидаги "Марҳамат 112-қурилиш" масъулияти чекланган жамияти пардозчиси, "Дўстлик" ордени соҳибаси.

Мамлакатимизда хотин-қизларга кўрсатилаётган бугунги эътибор, ғамхўрлик, умуман, инсон қадрини улуғлаш борасидаги ишлар биз аёлларни беҳад қувонтирмоқда. Бугун мен камтарона меҳнатларим эътирофи мисолида ана шу эътиборни яна бир бор ҳис этдим.

Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида давлатимиз раҳбарининг фармонида кўра, "Дўстлик" ордени билан тақдирландим, оддий қишлоқ аёлига кўрсатилган эътибордан бошим кўкка етди.

Мен юртимизнинг энг чекка туманларидан бири Марҳамат туманидаги Оқбош маҳалласида яшайман. Миллатим – қирғиз, 20 йилдан буён қурилишда пардозловчи бўлиб ишлайман. Шундай бўлса-да, эътибор ва эътирофга муносиб кўрилиб, давлатимизнинг юксак мукофотларидан бири билан тақдирландим.

Ҳозирда Марҳамат тумани "Марҳамат 112-қурилиш" масъулияти чекланган жамиятида пардозчи бўлиб ишлаб келаман. Тўғри, кўпчилик қурилишда сувоқчи, пардозчи бўлиб ишлаш аёл кишига хос бўлмаган касб дейиши турган гап. Лекин мен касбимни жуда яхши кўраман. Шу касбни танлаб, кам бўлмадим. Ҳалол ишладим. Ҳамиша берилган объектларни ҳамкасбларим билан сифатли ва ўз муддатда топшириб келдим.

Вилоятдаги тури муассасалар, умумтаълим мактаблари, боғчалар, аҳоли уй-жойлари қурилишида фаол иштирок этдим. Туманимиз, вилоятимизда бир-биридан чиройли, кўркем биноларнинг барпо этилишида қатнашганимдан, қурилиш ишларига муносиб ҳисса қўшганимдан, умуман, қурилиш соҳаси ҳаётимнинг ажралмас қисмига айланганимдан фархланаман.

Мукофот билан тақдирланганим, меҳнатларим эътирофидан қалбимдан кечаётган қувонч ва туйғуларни оддий сўзлар билан ифода қила олмайдим. Қурувчилик касбини ардоқлаб, кам бўлмадим, эл-юрт орасида



ҳурмат-эътибор топдим, топаётган даромадим ёмон эмас. Энг асосийси, одамларга, юртимга фойдам тегапти. Оилам тинч, фарзандларим бағримда. Уларнинг кўрки, камолдан куч оламан, қувонаман. Менимча, аёл киши учун бундан ортиқ бахт бўлмас керак.

Ушбу мукофот менга куч, шижоат беради. Бундан кейинги фаолиятимда кўрсатилган эътиборга, Президентимиз ишончига муносиб жавоб қайтаришга, юртимиз равнақи, ободлиги йўлида янада фаол ишлашга ҳаракат қиламан.

ҲАМКОРЛИҚДАГИ ЛОЙИҲАЛАРНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ЗАРУРЛИГИ ТАЪКИДЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 9 март куни Қирғизистон Вазирлар Маҳкамаси Раиси – Президент Администрацияси раҳбари Ақилбек Жапаровни қабул қилди.

Учрашув аввалида Ақилбек Жапаров давлатимиз раҳбарига Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаровнинг самимий саломини етказди.

Жорий йилнинг январь ойида Бишкек шаҳрида эришилган олий даражадаги келишувларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон – Қирғизистон кенг қўламли стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш, иқтисодий, савдо, энергетика, транспорт ва логистика соҳаларидаги ҳамкорлиқни кенгайтириш ҳамда ҳудудлараро алоқалар ва маданий-гуманитар алмашувларни фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Автомобилсозликда, пахта-тўқимачилик кластерларини ташкил этиш, электротехника маҳсулотла-

рини ишлаб чиқариш, фойдали қазилмалар конларини биргаликда ўзлаштириш бўйича кооперация лойиҳаларини жадал суръатда амалга ошириш муҳимлиги қайд этилди.

Учрашувда Қамбарота-1 ГЭСни биргаликда барпо этишнинг амалий жиҳатлари муҳокама қилинди. "Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон" темир йўли лойиҳасини фаол тайёрлаш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Жорий йилда парламентлар, ҳукуматлар, экспертлар, жамоатчилик ва ёшлар даражасида икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлиқни мустақкамлашга қаратилган бир қатор қўшма тadbирларни ўтказиш мўлжаллангани таъкидланди.

Минтақавий ҳамкорлиқнинг долзарб масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Ў.А.

Аёлга эҳтиром – халқимизга хос қадрият



Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюмлари Республика Кенгаши томонидан баҳор ва нафосат айёми 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан байрам тadbiri ташкил этилди.

Тadbирда Кенгаш раиси Абдулла Нугманов сўзга чиқиб, ходимларни байрам билан табриклади. Шунингдек, тadbирда Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳудудий кенгашлари раислари ҳам қатнашиб, эсдалик совғаларни топширишди.

Эътиборли жиҳати, Республика Кенгашида узоқ йиллар ишлаб, ҳозирда нафақада бўлган аёллар ҳам байрам тadbirидан четда қолишмади. Хусусан, Мамлакат Абдумаликова, Нина Пак ва Людмила Литвиноваларнинг хонадонларига бориб, муборакбод этилди.

"Аёлга эҳтиром кўрсатиш – халқимизга хос олижаноб қадрият" деган ғояни илгари сурган байрам тadbirlари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий кенгашларида кўтаринки руҳда нишонланди.

Ў.А.

"O'ZBEKISTON BUNYODKORI" газетасининг расмий сайти – uzbunyodkor.uz ишга тушганини маълум қиламиз. Сайтга хабарлар, ишлаб чиқараётган маҳсулот ва хизматларингиз ҳақида маълумотларни жойлаштиришигиз мумкин. ҲАМКОРЛИККА ЧОРЛАЙМИЗ!

ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРЛИГИДАКореялик ҳамкорлар
билан учрашув

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари Шерзод Ҳидоятлов Корея Республикасининг КІСТ (Корея қурилиш ва технологиялар) институти президенти Бюнгсук Ким бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.



Маълумки, Шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини модернизация қилиш ҳамкорлик лойиҳаси доирасида Корея Республикасининг КІСТ институти томонидан жами 104 та шаҳарсозлик норма ва қоидаларини, жумладан, 2022 йилда 38 та, 2023 йилда 40 та ва 2024 йилда 26 тасини модернизация қилиш режалаштирилган.

Учрашувда мазкур йўналишдаги

ишларнинг бориши ҳақида фикр алмашилди. Хусусан, қурилишда техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти билан ҳамкорликнинг янги bosқичи, меморандум асосида ишларни жадаллаштириш ва Шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини модернизация қилиш ҳамкорлик лойиҳаси доирасида бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Вазирликда
давра суҳбати

Эрта тонгда кўз очиб ёруғ дунёни кўрдингизми? Бу олий неъмат. Бу – тинчлик неъматиди. Лекин минг таассуфки бугун ана шу улуг неъматни қадрига етмайдиганлар ҳам орамизда учраб туради. Дунёда кечаётган нотинчликлар, уруш ва турли нифоклар сабаб минглаб одамларнинг қони тўкилаётгани ҳам бор гап. Ташқи ёт ғоя ва таъсирлар гирдобига тушиб қолаётган юртдошларимизнинг аянчли қисмати ҳақида ҳам бугун кўряпмиз, эшитяпмиз.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда унинг тизим ташкилотлари ходимлари иштирокида бўлиб ўтган давра суҳбатиди ана шундай ҳаётий ҳақиқатлар тилга олинди. Унда Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитаси масъуллари ҳам иштирок этишди.

Давра суҳбатини қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири Батир Закиров очиб, сўнги йилларда мамлакатимизда инсон ва унинг манфаатлари йўлида эзгу саъй-ҳаракатлар, мақсадли ташаббуслар амалга оширилишидан пировард мақсад, одамлар бугун ҳаётдан рози бўлсин, дея таъкидлади.

Шунингдек, дин ишлари бўйича қўмита раисининг маслаҳатчиси Илҳом Маърупов сўзга чиқиб, муқаддас динимизнинг асл моҳияти тинчлик, фаровонлик ва маърифат дини эканини чуқур таҳлил қилиб берди. Бугунги глобаллашув замонида фарзандларимизнинг онгу тафаккурини ёт ғоялардан асраш, зарарли иллатлардан ҳимоя қилиш ҳар қачонгиданда долзарб эканлиги қайд этилди. Бугунги кунда диний экстремизм ва терроризмдан ёшларимизни асраш ҳар бир зиёли кишининг муҳим вазифаси эканлиги айтилди.

Мутасаддилар аҳоли
орасида

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Озода Жўраева, Тошкент шаҳар прокурори ўринбосари Ҳабибулла Мирсоатов, Тошкент шаҳар ИИБ бошлиғи ўринбосари Равшан Султонхўжаев бошқарув ташкилотлари ҳамда кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчи аҳоли мурожаатлари билан тизимли ишлаш юзасидан мутасадди ташкилотлар вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда аҳоли муаммоларига тезкор ечим топиш, уларнинг кайфиятини кўтариш мақсадида кулай шарт-шароитлар яратиш, кўп қаватли уйлар атрофининг ободонлаштирилишига эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди. Шунингдек, бошқарувсиз уйлари самарали ишлаётган бошқарув ташкилотларига бириктириш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Соҳа масъуллари бошқарув ташкилотларида мулкдорларнинг

мажбурий бадал тўловлари тушувлари ни ҳам муҳокама қилдилар.

Йиғилишдан сўнг, мутасаддилар пойтахтимизнинг Чилонзор туманида бўлиб, амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар билан танишишди. Хусусан, кўп қаватли уйлари энергия тежамкор технологиялар орқали санация қилиш, уйлари ертўла, кириш йўлаклар ва том қисмларидаги таъмирлаш-тиклаш ишлари кўздан кечирилди.

ҚУРИЛИШ НАЗОРАТИ –
ХАВФСИЗ ҲАЁТ КАЛИТИ

Ислом ИБДУЛЛА, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Ҳар биримиз ўзимиз учун уй-жой тиклашда сифатли қурилиш материалларидан фойдаланишга ҳаракат қилиб, бундай ишга уста қурувчиларни жалб қиламиз. Хўш, йирик қурилиш ишларида мазкур жараён қандай назорат қилинади? Бу борада Қурилиш ва коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекциялари асосий вазифани бажарадилар.

Тошкент вилояти Қурилиш ва коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси ходимлари томонидан Чирчиқ шаҳридаги "Ифтихор" МФЙ ҳудудидида "Меъмор ўткир човқа" корхонаси томонидан қурилаётган кўп қаватли турар жой биноси қурилиши ўрганилди. Натижада объектда ҳудудий инспекциянинг рўйхатидан ўтказилмасдан, тадбиркор томонидан ўзбошимчалик билан қурилиш ишлари бошлаб юборилгани, объектнинг қурилиш ишлари сифатсиз

қурилиш материаллари билан бажарилганлиги аниқланди.

Аниқланган қоидабузарликлар юзасидан тадбиркорга ёзма кўрсатмалар берилиб, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 99-моддаси 7-қисми билан жавобгарликка тортилди. Ушбу ноконуний объектни бартараф этиш юзасидан прокуратура ҳамда суд органларига даъво аризалари киритилди.

Мазкур назорат тадбирлари Чирчиқ шаҳридаги "Лола" МФЙ ҳудудиди ҳам да-

вом этирилди. Унда "Urban perfect stroy" МЧЖ томонидан қурилаётган кўп қаватли турар жой биноси қурилиши ўрганилди. Аниқланишича, ушбу объект ҳудудий инспекциянинг рўйхатидан ўтказилмасдан, қурилиш ишлари тадбиркор томонидан ўзбошимчалик билан бошланган. Аниқланган қоидабузарликлар юзасидан буюртмачига ёзма кўрсатмалар берилиб, тадбиркор Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 99-моддаси 7-қисми билан жавобгарликка тортилди. Ушбу объектни Тошкент вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат инспекциясидан рўйхатдан ўтказиш бўйича хабарнома юборилиши таъкидланди.

Ангрен шаҳридаги "Самарчўз" МФЙ ҳудудиди Тошкент вилояти "Ягона буюртмачи хизмати" ИК томонидан қурилаётган маҳалла фуқаролар йиғини биносининг қурилиш ишлари ҳам ўрганилганда объектда техник, муаллифлик ва ички назорат ишлари юритилмагани, мавжуд темир-бетон колонналарнинг хомутлари ишчи лойиҳа талаблари бўйича бажарилмагани кўзга ташланди.

Шунингдек, Ангрен шаҳридаги Соғлом маҳалласида Тошкент вилояти "Ягона буюртмачи хизмати" ИК томонидан қурилаётган маҳалла фуқаролар йиғини биносининг қурилиш ишлари инспекция томонидан ўрганилди. Натижада, объектда мавжуд темир-бетон колонналар хомутлари ишчи лойиҳа талаблари бўйича бажарилмагани, объектнинг техник назорати ёритилиши ўз вақтида амалга оширилмагани, гишт тегиш ишлари лойиҳа талаблари асосида бажарилмагани, бинонинг тасдиқланган лойиҳада кўрсатилган гидроизоляция ишлари лойиҳага мос тарзда қилинмагани аниқланган. Қоидабузарликлар юзасидан пудратчига ёзма кўрсатма берилди ҳамда қурилиш ишлари тўхтатилиб, объектда демонтаж ишлари олиб борилди.

Тошкент вилоятида олиб борилаётган қурилиш жараёнларининг сифати камчиликларсиз олиб борилишини таъминлаш мақсадида мутахассислар томонидан қурилиш ҳудудларида давомли назорат тадбирлари олиб борилмоқда.

Объектни рўйхатдан
ўтказиш тартибини
биласизми?

Алишер ИШАНҚУЛОВ,
Зарафшон шаҳри Давлат хизматлари маркази директори.

Ҳукуматнинг "Қурилиш соҳасига оид ягона маъмурий қурилиш регламентларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 2022 йил 20 апрелдаги қарори қабул қилинганидан хабарингиз бор. Қарорнинг 5-иловасида "Қурилиш-монтаж ишларини бошлаш учун объектни рўйхатдан ўтказиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишининг маъмурий регламенти"га кўра, ариза берувчилар қурилиш-монтаж ишларини рўйхатдан ўтказиш учун ўзи келиб мурожаат этади ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат қилиши белгиланган.

Бунда аввало, қурилиш-монтаж ишлари сифатини назорат қилишга пудрат ташкилотининг қурилиш лабораторияси мавжудлигини тасдиқловчи ёки шартнома асосида лаборатория жалб этилганлиги тўғрисидаги ҳужжат, буюртмачининг техник назорати, лойиҳа ташкилотининг муаллифлик назорати ва пудрат ташкилотининг ички назорати тайинланганлиги тўғрисидаги буйруқ ёки шартнома нусхалари бўлиши талаб этилади.

Шунингдек, буюртмачининг техник назорати, лойиҳа ташкилотининг муаллифлик назорати ва пудрат ташкилотининг ички назорат мутахассисларининг сертификатлари, қурилиш ишларини бажаришнинг тасдиқланган лойиҳалари ҳам кўрсатилган бўлиши керак. Сўроғномада қурилиш иштирокчилари ҳақидаги маълумотлар, лойиҳа ҳужжатлари келишилганлиги тўғрисидаги хулоса ва йўзма экспертиза хулосасининг (санаси ва рақами) маълумотлари ҳам мажбурий кўрсатилади.

Булardan ташқари, Қурилиш ва коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекциялари рўйхатдан ўтказиш учун шаҳарсозлик ҳужжатлари ҳамда экспертиза хулосаларини "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизимидан электрон тарзда олиши талаб этилади.

Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциялари сўроғнома тушган вақтдан бошлаб бир иш куни мобайнида:

зарурат бўлганда объектни жойига бориб ўрганиди, қурилаётган объектларга монелик-сиз қиради,

экспертиза хулосаси "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизимига киритилгани ва хулоса берилганлигини текширади;

"Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизими орқали қурилиш-монтаж ишларини бошлаш учун объектни рўйхатдан ўтказиш; сўроғномада кўрсатилган объектнинг қурилиш-монтаж ишлари қийматининг 0,2 фоизи миқдориди (қўшимча қиймат солиғисиз) ажратгани белгиланган ҳолда инвойсини шакллантиради. Инвойс ва кўчирма расмийлаштирилган куни ҳудудий инспекция инвойс ва кўчирмани Давлат хизматлари марказига ёки ариза берувчига ЯИДХП орқали электрон шаклда бир вақтда юборади.

Давлат хизматлари марказлари инвойс ва QR-код қўйилган кўчирма келиб тушгандан сўнг бу ҳақида электрон тарзда ариза берувчиси хабардор қилади.

Оқорида келтирилган талаблар доирасида ўтган йили Зарафшон шаҳри Адлия бўлими Давлат хизматлари марказига 128 та мурожаат келиб тушган. Шундан 74 та мурожаат ижобий ечимга эга бўлиб, 34 тасининг ҳужжатларида камчиликлар аниқланганлиги учун рад этилди. Жорий йил бошидан буён эса 72 та ариза қабул қилинди ва талаблар доирасида ўрганилиб, 33 тасига ижобий хулоса берилди. Зарафшон шаҳар Давлат хизматлари марказига Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ҳам келиб тушаётган мурожаатлар сони ортиб бормоқда. Бу қулайлик мурожаатчининг вақтини тежаш ва тезкорлиги билан аҳамиятлидир.

Ўзбекистонда
илк бор "Табий тош"
халқаро саммити
ўтказилди

Адхам ЭГАМБЕРДИЕВ, журналист.

Тошкент илк бор "Табий тош" халқаро саммитига мезбонлик қилди. Маҳалли ва хорижий корхона раҳбарлари ўртасида интеграцион муҳит яратган олган ушбу саммитда маҳалли ва хорижий мутахассислар, масъуллар ва корхона раҳбарлари қатнашишди.

Тадбирда "Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмаси бошқарув раисининг ўринбосари Бахтиёр Бобоқулов, "Marmar" савдо уйи раҳбари Андрей Дибров, россиялик эксперт Вячеслав Камаров сўзга чиқиб, соҳа ривож, конлардан фойдаланишда замонавий технологияларни қўллаш, самарали экспорт қилиш йўллари, жаҳон тажрибаси хусусида фикр билдиришди.

Бугун мамлакат бўйлаб табиий пардозбон тошларни (мармар, гранит, травертин ва бошқалар) қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича 300 дан ортиқ корхона фаолият кўрсатмоқда. Статистикага қарайдиган бўлса, бу корхоналарнинг умумий ишлаб чиқариш қуввати 320 минг куб метрдан ортиқ, қайта ишлаш қуввати эса 7,0 миллион квадрат метрдир.

Саммитда таъкидланганидек, соҳадаги энг йирик лойиҳалар Навоий вилоятининг Ҳозгон шаҳрига тўри келади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев топириғига биноан, Ҳозгонда қиймати 52 миллион АҚШ долларлиги 14 та йирик кластер лойиҳаси амалга оширилди. Натижа ҳам ёмон эмас, 149 минг куб метр мармар, гранит, габбро ва бошқа табиий тошлар қазиб олиш, 1,3 миллион квадрат метрдан ортиқ турли меъморий маҳсулотлар ва плиталар ишлаб чиқариш қуввати ташкил этилди.

"Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмаси мутахассислари берган маълумотга кўра, бугунги кунда республикамиз ҳудудларида 167 та табиий пардозбон тош конлари мавжуд бўлиб, уларнинг захиралари 469,8 миллион куб метр ва фойдаланиш даражаси 27 фоиздир. Экспорт ҳажми 2022 йилда 11,4 миллион АҚШ доллар, яъни 58,2 минг тоннани ташкил этган. Бу 2017 йилга нисбатан 22 баробар ошганини кўрсатади.

– Биз асосан хомашё эмас, тайёр маҳсулот кўринишида экспорт қилишга ҳаракат қиламиз, – деди "Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмаси бўлим бошлиғи Музаффар Атаев. – Бу ишлаб чиқарувчи учун ҳам қўшимча фойда. Республикада 300 дан ортиқ йирик ва ўрта корхоналар мавжуд. Йирик конларнинг 33 фоиз қисми Навоий вилоятига тўғри келади. Лекин бошқа ҳудудларда ҳам бундай корхоналар кўп. Масалан, Тошкент вилоятидаги "Имперал гранит", "Юко", Тошкент шаҳридаги "Ақфагранит" ва бошқа вилоятлардаги йирик ҳажмли корхоналар шулар жумласидандир.

Маълумот ўрнида, саммитда Россия, Қозғоғистон, Тожикистон, Италия, Туркия ва Ўзбекистондан 50 дан ортиқ корхона вакиллари иштирок этди.

Қамишдан тайёрланаётган плиталар

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Сурхондарёлик Аббосбек Набиев бир ишга киришса, охирини кўпчиликка нафи тегадиган даражага етказмасдан қўймайдиганлардан бўлгани учун дилига тукканини амалда синаб кўришга астойдил киришади.

Дастлаб, бир даста қамишни тўплаб, уни меёрига етказиб қуритгач, ўзи тайёрлаган қўлбола дастгоҳга солиб майдалаб, босим остида бир муддат сақлади. Қарасаки, замонавий технология ёрдамида ишлов берилса, қурилишлар учун зарур маҳсулот тайёрлаш мумкин. Шу йўсин у Музработ туманида қамишдан қириндилли плиталар (ДСП маҳсулотлари) ишлаб чиқаришга ихтирослашган "SURXON KSP-GRAND" масъулияти чекланган жамиятини ташкил қилди.

Миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириш, хусусан, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришга йўналтиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги фармони дастуриламал бўлди. Ўз тажрибасини тегишли ташкилотлардаги мутахассисларга кўрсатиб, у яна бир бор қайта синаб кўрилгач, ишлаб чиқаришга татбиқ қилишга рўхсат берилди. Шундан сўнг, ишбилармон тегишли ҳужжатларни тайёрлади ва "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг Сурхондарё вилояти бўлимига тақдим этди. Кўп ўтмай бу банк янги лойиҳани қўллаб-қувватлаб, унга зарур маблағ ажратиб берди.

Дастлабки ишни шакллантириш учун 205 миллиард 864 миллион сўм маблағ ҳисобига ҳорижий давлатлардан замонавий технологияларни олиб келиб ўрнатди.

Урни келганда айтиш жоизки, қурилишларда қўлланиладиган ҳар қандай материални ишлаб чиқариш мураккаб жараён ва у катта меҳнат талаб қилади. Шу жумладан, бу тадбиркор ҳам ўз маҳсулотини талаб даражасига келтириш ва буюртмачиларнинг ишончини оқлаш учун неки зарур бўлса қилди. Қеракли хомашёвий эринмасдан қидириб топди. Натижада, сувга тўйиниб ўсган қамишдан тайёрланган маҳсулоти бетон плиталарга нисбатан бир неча баравар бақувват ва намга чидамли бўлишига эришди.

Халқимиз "Иш билганга минг танга" деб беҳизга айтмайди. Давлатимиз томонидан яратиб берилаётган шартношалардан самарали фойдаланган тадбиркор Аббосбек Набиевнинг маҳаллий хомашёни қайта ишлаб, истеъмолга киритгани натижасида ушбу маҳсулот аввало, арзон, сифатли ва чидамли, енгиллиги билан, энг муҳими, импорт ўрнини босгани учун ҳам турли хилдаги иншоотларни бунёд этишда қурилиш ташкилотларидан йил сайин талаб ортмоқда.

Айни пайтда мазкур корхона ёрлиги билан йилга ўртача 150 минг куб қамиш-қириндилли плита ишлаб чиқарилиб, шартнома асосида тегишли қурилиш корхоналари-га етказиб бериляпти. Эндиликда компьютерлаштирилган замонавий дастгоҳларни вақтинчалик ишчи мақомини олган ва қайта ихтисослаштирилган 400 нафардан ортиқ ўғил-қизлар бошқариб, доимий иш ўрнига эга бўлишган.

Бундан ташқари, асосий мавсумда ҳам яна шунча киши иш билан таъминланади. Муҳими, корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга талаб ортаётгани учун шу кунларда қўшимча цехлар қуриш юзасидан янги лойиҳалар устида изланишлар олиб борилмоқда. Бу эса корхонанинг келажаги порлоқлигидан далолатдир.

АНДИЖОНДАН ДАРАКЛАР

5000 нафар аҳолига қулай шароит яратилмоқда

Зиё СИРОЖ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Мамлакатимизда худудларни комплекс ривожлантириш доирасидаги ишлар қўлами тобора кенгаймоқда. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг "2022 – 2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борадаги саъй-ҳаракатларни янада жонлантирди.

Қарор ижросини таъминлаш мақсадида Андижон туманига 132 млрд сўм маблағ ажратилган. Бунинг натижасида йўл, табиий газ, электр энергияси, тоза ичимлик суви таъминоти яхшиланиб, ижтимоий объектларда қулай шароитлар яратилмоқда. Жумладан, электр энергиясига оид муаммоларнинг ижобий ечимини таъминлаш ҳаракатлари авж паллада.

– Айни пайтда туманининг "Март" МФИ таркибидеги 4 та кўчада электр таъминоти яхшилаш бўйича ишлар олиб

борилмоқда, – деди "Худудий электр тармоқлари" АЖнинг Андижон худудий филиали ходими Мухлисaxon Собирова. – Мисол учун, Обод йўли кўчасига 1 дона қуввати 160 kVA бўлган трансформатор пункти ва 50 дан ортиқ темир-бетон таянчлар ўрнатилди.

Режалаштирилган ишлар якунига етказилгач, биргина "Март" МФИнинг ўзида 5 минг нафардан зиёд хамюртларимизнинг электр таъминоти сифати яхшиланади.



"Намуна" номига муносиб



Республикамызда, хусусан, Андижон вилоятида маҳаллалар инфратузилмаси ва аҳоли турмуш шароитини яхшилаш мақсадида бир қанча ҳайрли ишлар йўлга қўйилган. Хўжаобод тумани ҳокимлиги ташаббуси билан Намуна кўчасининг намунали кўчага айлантирилиши ҳам бунга мисолдир.

– Энди нафақат, томорқамиздан, балки кўчамизда ҳам қўшимча даромад олиш имконияти мумкин, – деди меҳнат фахрийси Дилмуроджон Умрзоқов. – Боиси, ташаббускорлар томонидан сўриқоқлар қуриб берилди. Ҳисоблаб кўрсам, кўчамизда парваришланган тоқнинг

хосилидан бир йилда 5 миллион сўмгача даромад олиш мумкин экан. Шунча пайтдан бун бу имкониятдан фойдаланмай келганимиз ачинарли, албатта.

Хозиргача хонадонларга қуёш панелларини ўрнатиш, 1 километрдан иборат ички йўлни асфальт-

лаштириш ишлари олиб борилди. Шунингдек, худудни тоза ичимлик суви ҳамда табиий газ билан таъминлаш ишлари йўлга қўйилган. Энг муҳими, аҳолини банд этиш орқали доимий даромад манбаига эга қилиш бўйича самарали ишлар давом этмоқда.

Маҳаллалар обод бўлмоқда

Юрт ободлиги, фуқароларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминловчи бу амалий ишлар Избоскан туманида ҳам ҳамюртларимиз миннатдорлигига сабаб бўлмоқда.

Зеро, бу ерда 33 та маҳаллада умумий қиймати 30 млрд 595 миллион сўмлик 48 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Айни пайтга келиб уларнинг 6 таси фойдаланишга топширилган бўлса, қолган объектларда қурилиш-бунёдкорлик ишлари авжида.

"Узун кўча" МФИдаги ободонлаштириш ишлари айнан маҳалла идорасидан бошланди. Зеро, бино эскирган бўлиб, унда фаолият олиб бориш учун етарли шароит мавжуд эмас эди. Аҳолининг эътирозига сабаб бўлиб келаётган ушбу масала ҳозирда ижобий ҳал этилмоқда. Бунинг учун "Ixtisoslashgan ziyu qurilish" хусусий корхонаси томонидан таъмирлаш ишлари олиб бориляпти. Бунёдкорлик ишлари "Бўстон" МФИда жойлашган 18-умумтаълим мактабини ҳам четлаб ўтмади. Мактаб биносининг иситиш тизимини таъмирлаш ишлари якунига етказилди.

Маҳалламызда йўл қурилиши соҳасидаги ишлардан ниҳоятда мамнунимиз, – деди Қашқарлик маҳалласида истиқомат қилувчи меҳнат фахрийси Нуриддин

Олимжонов. – Қишники, бир амаллаб ўтказиб олдик, баҳорнинг ёғин-сочинида нима қиламиз, деган ҳадикларимиз ортда қолди. Боиси, кўчаларимиз йўллари бетон қоплама билан қопланяпти. Мутахассисларнинг маълум қилишича, келгуси 10-15 йилда йўл масаласида муаммага дуч келмаймиз. Қолаверса, 2,5 километр масофадаги ариқларни тозалаш ишлари ҳам кўнгилдагидек бажарилди. Бир сўз билан айтганда, энди кўчаларимиз хар қандай об-ҳаво шароитига тайёр.

Умуман олганда, Избоскан туманида қарор ижросини таъминлаш доирасида 25 та объектда ичимлик суви таъминоти яхшилаш, 18 та манзилда ички йўллари таъмирлаш, шағал ва бетон қопламасини ётқизиш, 1 та маҳалладаги 20 та эски электр сым ёғочларини темир-бетон устунларга алмаштириш ишлари олиб бориляпти. Бир пайлар узоқ йиллик муаммолар гирдобидида қолган маҳаллалар эндиликда тумандаги энг замонавий, қулай шароитга эга манзилларга айланмоқда.

Фарғона вилоятида янгиланаётган зиё масканлари

Фарғона вилояти статистика бошқармасининг маълумотига кўра, ўтган йилнинг январь-декабрь ойлари ҳолатига Фарғона шаҳрида қурилиш фаолияти билан шугулланаётган корхона ва ташкилотлар сони 1 095 тага етиб, улар томонидан 2 256,0 млрд сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилган. Умумий ҳажмдан янги қурилиш, реконструкция ва қайта қуроллантириш – 1 682,1 млрд сўмини ташкил этди.

Бу рақамлар ишни минглаб инсонларнинг тақдирини муҳим қилган эди. Зеро, бу қурилишлардан ҳам қўзғалган асосий мақсад – аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш, ёш авлодни жаҳон стандартлари асосида қад ростлаган масканларда бекам куёт таълим-тарбия олишнинг таъминлашдан иборат десак, хато бўлмайди. Юқорида келтирилган статистик маълумотлар орқали вилоятда катта ҳажмдаги қурилиш-бунёдкорлик ишлари бажарилганини билиш қийин эмас. Улар орасида айнан ёшлар учун барпо этилаётган таълим масканларининг ҳам кўпчилиги катта аҳамиятга эга. Президентимиз таъкидлаганидек, "Бизнинг асосий мақсадимиз – ёшларнинг сифатли таълим олиш имкониятига эга бўлишига эришиш, уларнинг ўз қобилияти ва истеъдодини рўйбга чиқариш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиб беришдан иборат".

Куйида ана шундай янги қурилган ва янгиланган зиё масканлари билан танишинг.

39-умумтаълим мактаби учун янги бино



Учкўприк тумани "Зигир" МФИ худудидаги 39-умумтаълим мактаби учун 220 ўринли янги бино барпо этилди. Гулистон қишлоғида жойлашган мазкур мактаб биноси 220 ўринга мўлжалланган бўлиб, бу ерда 438 нафар ўқувчи икки навбатда таълим олаётган эди. Турли йилларда ушбу мактабни тамомлаган битирувчилар билрлашиб, ҳаҳар йўли билан 220 ўринли янги бино қуриш ташаббусини олға сурди.

Бу эзгу ташаббус туман ҳокимлиги ва халқ таълими бўлими томонидан қўллаб-қувватланди. Мактабнинг 1982 йилда қурил-

ган эски биноси бузилиб, қисқа фурсат ичида унинг ўрнида икки қаватли замонавий бино қад ростлади. Айни вақтда мактаб ўқувчилари зарур ўқув анжомлари ва мебеллар билан жиҳозланган замонавий бинода таълим олмақда.

Қарийб 2 млрд 500 млн сўм маблағ эвазига тўлиқ ҳоимлик асосида бунёд этилган қўшимча бино фойдаланишга топширилиши натижасида мактабда бир вақтнинг ўзида 440 нафар ўқувчига таълим бериш имконияти яратилди.

Бешариқ туманида замонавий МТТ



Бешариқ туманининг "Навкат" МФИда жойлашган 28-сонли давлат мактабига таълим ташкилоти янгидан қуриб битказилди. 1974 йилда барпо этилган ушбу маскан аввал 50 ўринли эди. Ҳозирда 150 ўринга эга 28-сонли давлат мактабига таълим ташкилоти 1 109 млрд сўм маблағ эвазига янгидан бунёд этилди.

Айни кунларда таълим масканида 150 нафар болажонга 33 нафар педагог ходим ўқув машғулотлари олиб боришади. Тарбияланувчилар учун шахмат, инглиз-рус тили, хореография машғулотлари ташкил этилган.

Барча шароитга эга таълим маскани

Фарғона шаҳридаги "Мададор" МФИда жойлашган 5-мактабнинг 740 ўринли биносини мукамал таъмирлаш ҳамда 480 ўринли янги ўқув биносини қуриш учун давлат бюджетидан 9,3 млрд сўм маблағ ажратилди. Икки минг нафардан зиёд ўқувчи таълим оладиган мактабнинг қурилиш ва монтаж ишларини Сарваржон Халилов раҳбарлигидаги "Фарғона меймор қурилиш" МЧЖнинг тажрибали ишчи-ҳодимлари олиб борди.

Ўқув биноси, спорт зали, ошхона ва "Беш ташаббус" доирасида ташкил этилган биналарда ҳам мукамал таъмирлаш ишлари олиб борилди. Янги ўқув ва лаборатория жиҳозлари келтирилди. Ҳозирда мактаб ўқувчиларига таълим муассасасида бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Қирғули мавзесида "Book safe"



Маълумки, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларнинг бугунги ислохотлар мазмун-моҳиятини тула англаб етишлари, яратиб берилаётган шарт-шароитлардан унумли фойдаланишлари, энг асосийси ўз ҳаётидан рози эканликларини таъминлаш маҳаллалардаги ёшлар етакчиларининг асосий вазифалари ҳисобланади.

Фарғона шаҳар "Хувайдо" МФИ ёшлар етакчиси Феруза Тошпўлатова томонидан ўтказилган ўрганишлар жараёнида маҳаллада истиқомат қилувчи ёш тадбиркор Фаррух Усмонов Қирғули мавзесида ёшлар учун "Book safe" қуриш ниятида эканлигини

маълум қилган эди. Мазкур ташаббус Фарғона шаҳар ҳокимлиги томонидан қўллаб-қувватланиб, ёш тадбиркорга зиё маскани қурилиши учун жой ва тегишли ҳужжатлар расмийлаштириб берилди. Тадбиркор томонидан "Меҳрибонлик" МФИ худудида қуриб битказилган зиё масканида ёшлар учун барча шароит яратилган.

Абдулла Қодирий массивидаги 27-мактаб кўркем қиёфада

Фарғона шаҳридаги 27-мактабда ҳам Инвестиция дастури асосида қурилиш ва таъмирлаш ишларини олиб бориш учун давлат бюджетидан 7,4 млрд сўм маблағ ажратилди. Шартномага асосан қурилиш таъмирлаш ишларига мактабнинг том қисми, электр монтаж, пардозлаш ишлари, дераза ва ромларни алмаштириш, ўқув биносининг пол қисминини таъмирлаш, иссиқлик тизимини янгилаш ҳамда янги замонавий мебель жиҳозлари билан таъминлаш ишлари киритилиб, амалда тўлиқ бажарилди.

1980 йилда қурилган мактаб замонавий ўқув ва лаборатория жиҳозлари билан тўлиқ таъминланди. 1 200 нафарга яқин ўқувчиларнинг таълим олиши ва касб-хунар ағаллаши учун барча шарт-шароитлар яратилди.

Зарбдорликлар қувончи

Давлатимиз раҳбари томонидан 2022 йил 18 март куни қабул қилинган ПҚ-172-сонли қарорга асосан Фарғона шаҳар "Зарбдор" МФИ худудида жойлашган 11-мактабнинг 1 250 ўринли ўқув ва ёрдмачи биналарини мукамал таъмирлаш учун 3 млрд сўмдан ортиқ маблағ ажратилган.

"Файзобод" МЧЖ ишчилари томонидан бинодаги эшик ва ромлар замонавийларига алмаштирилди. Пардозлаш ишлари олиб борилди. Хар бир синф хонаси жаҳон стандартлари асосида жиҳозланди.

– 937 нафар ўқувчиларимиз яратилган шароитлардан баҳраманд бўлиб таълим олишмоқда, – деди мактаб директори ўринбосари Гулчехраhon Валиева. – Биз, албатта, яратилган шароитлардан мамнунимиз. Педагогик жамoa номидан ўз миннатдорчилигини билдираимиз.

"Обод маҳалла" дастури асосида барпо этилган даргоҳ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2022 – 2026 йилларда "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2022 йил 18 март куни қабул қилинган ПҚ-172-сонли қарорига асосан, Фарғона шаҳар "Оқариқ" маҳалла фуқаролар йиғини худудида жойлашган 35-мактабнинг ўқув ва ёрдмачи биналарини мукамал таъмирлаш учун бир миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарф этилди.

"Веромакс" хусусий корхонаси ишчилари томонидан бинодаги эшик ва ромлар замонавийларига алмаштирилиб, пардозлаш ишлари олиб борилди. Хар бир синф хонаси замонавий услубда жиҳозланди.

Ўз мухбиримиз.

СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Кўп қаватли уйлар Ертўласидан

қандай фойдаланишни биласизми?



Мен Тошкент шаҳридаги кўп қаватли уйда яшайман. Умумий биринчи қаватда жойлашган. Шу боис, ертўладан фойдаланиш тартиби ҳақида билмоқчи эдим.

**САВОЛЛАРИМ
ҚУЙИДАГИЧА:**

- кўп қаватли уйлarning ертўла қисмидан фойдаланиш тартиби қандай;
- рухсатнома олиш учун қаерга ёки кимга мурожаат қилиш керак;
- бунинг учун қандай ҳужжатларни расмийлаштириш керак?

Лазиз МАҲМУДОВ,
Тошкент шаҳар,
Шайхонтоҳур тумани”.

Саволларга Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциясининг Кўп квартиралли уй-жой фондини сақлаш ва фойдаланиш қондаларига риоя этиш назоратини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Шерзод ҚАЮМХОДЖАЕВ жавоб берди.

**Кўп қаватли уйлarning
Ертўла қисмидан
Фойдаланиш
Тартиби қандай?**

Кўп қаватли уйлarning ертўла қисмидан фойдаланиш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 15 октябрдаги 648-сонли қарори билан тасдиқланган “Кўп квартиралли уйнинг ертўласидан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Низомида белгиланган.

**РУХСАТНОМА ОЛИШ
УЧУН ҚАЕРГА ЁКИ КИМГА
МУРОЖААТ ҚИЛИШ КЕРАК?**

Жисмоний ва юридик шахслар ертўладан фойдаланишга рухсат олиш учун кўп квартиралли уйни бошқариш органига ёзма равишда мурожаат қилади.

Ертўлани ижарага олиш тўғрисида ёзма мурожаатни қабул қилган кўп квартиралли уйни бошқариш органи уч кундан кечиктирмасдан ушбу масalani муҳокама қилиш тўғрисида жойлар мулкдорларининг умумий йиғилишини чакориш ҳақидаги ёълони тейлаштириш керак. Уни йиғилиш ўтказилиш кунидан камида ўн кун олдин ҳар бир кириш йўлагига осиб қўйиши ёки мулкдорларга имзо қўйдириб топшириши ёхуд сўронома ўтказиш орқали қарор қабул қилиш учун умумий йиғилиш қарорининг лойиҳасини ҳар бир мулкдорга юбориш орқали хабардор қилади. Ёълонда

йиғилиш ўтказиш жойи, санаси, вақти ва умумий йиғилиш кун тартиби тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилади. Умумий йиғилишда сўронома ўтказиш орқали қарор қабул қилиш учун юборилган умумий йиғилишнинг қарори лойиҳасида йиғилиш ташаббускори тўғрисидаги маълумотлар, қарор юборилиши лозим бўлган жой ва манзил, овоз бериш учун назарда тутилган, беш кундан кам бўлиши мумкин бўлмаган муддат, шунингдек, бошқа зарур ахборотлар кўрсатилади.

Кўп квартиралли уйнинг ертўла қисмидан фойдаланишга бериш юзасидан умумий йиғилишда қарор қабул қилиниши учун барча жойлар мулкдорларининг ёки улар вакилларининг эллиқ фозидадан кўпроги хозир бўлиши керак. Умумий йиғилишнинг қарори, агар уни ёқлаб умумий йиғилишда хозир бўлган жойлар мулкдорларининг ёки улар вакилларининг эллиқ фозидадан кўпроги овоз берса, қабул қилинган деб ҳисобланади.

Умумий йиғилиш қарори сўронома ўтказиш орқали қабул қилинганда мулкдорларнинг кун тартибидаги масала бўйича қарор лойиҳасининг эллиқга қўйилган имзо (овоз)лар сони қайси қарор лойиҳаси масаласи бўйича тегишли овозлар (ёқлаб, қарши ёки бетараф) сони кўп тулланган бўлса, уша масала бўйича қарор қабул қилинган ҳисобланади. Қворум мавжуд бўлмаганда ёки умумий йиғилиш қарорини қабул қилиш учун овозлар сони етарли бўлмаган тақдирда, кўп квартиралли уйнинг ертўла қисмидан фойдаланишга бериш масаласи рад этилади.

Ертўладан фойдаланувчи учун тўланадиган ижара тўловларининг энг кам миқдорлари тегишли Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан тасдиқланади. Фойдаланганлик учун тўланадиган ижара тўловлари улушли мулк иштирокчиларининг улушларига мутаносиб равишда ушбу кўп квартиралли уйнинг умумий мол-мулкни сақлашга йўналтирилади. Ертўлани фойдаланишга бериш юзасидан қабул қилинган умумий йиғилиш қарори қабул қилинган кундан бошлаб кўп квартиралли уйни бошқариш органи беш иш кунидан кечиктирмасдан умумий йиғилишда қабул қилинган қарорга мувофиқ фойдаланувчи билан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ижарага ёки текин фойдаланишга бериш тўғрисидаги шартномани тузиш чорасини кўради.

нишда қайси фаолият тури билан шуғулланган ижара тўловларининг ёки йўл қўйилмаслиги ҳамда бу борада тақиқланган омиллар белгиланган.

**Бундан ташқари, ертўладан
фойдаланувчи қуйдагиларни
билиб қўйгани ахши:**

фойдаланиш жойини, ертўладан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган кўп квартиралли уйга туташ ер участкаси, умумий фойдаланиладиган жойларнинг, шунингдек, умумий мол-мулкнинг лозим даражадаги техник ва санитария ҳолатини сақлашга, уларга оид харажатларни қоплашда иштирок этишга ҳамда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда тўлашга;

муҳандислик коммуникацияларига (электр тармоқлари, ичимлик сув, оқова сув, иссиқлик ҳамда газ таъминоти қувурлари, жиҳозлари ва бошқаларга) эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишга;

ичимлик сув ва электр энергиясидан фойдаланганда ҳисоблагичларни ўрнаттишга;

ертўланинг муҳандислик коммуникацияларида носозликлар аниқланган тақдирда, дарҳол аварияларни бартараф этишнинг мумкин бўлган чора-тадбирларини кўришга ҳамда зарур ҳолларда тегишли авария-диспетчерлик хизматига хабар беришга;

авария ҳолатлари юз берганда кеч-қундуннинг исталган соатида фойдаланиб турган жойига аварияларни бартараф этиш учун тегишли авария-диспетчерлик хизмати ходимларининг киришини таъминлашга мажбурдир.

**БУНИНГ УЧУН ҚАНДАЙ
ҲУЖЖАТЛАРНИ
РАСМИЙЛАШТИРИШ КЕРАК?**

Ёзма мурожаатга қуйдаги ҳужжатлар ва маълумотлар илова қилинади:

- юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома (жисмоний шахс бўлса, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат) нусхаси;
 - амалга оширилиши режалаштирилган фаолият тури, ертўладан фойдаланиш мақсади, ертўладан талаб этилаётган майдон ўлчами тўғрисида тўлиқ маълумот.
- Ертўлани фаолият турига мослаштириш ҳамда қўлайлигини янада ошириш мақсадида жойни таъмирлаш ва қайта режалаштириш ишлари талаб этилган тақдирда, бу тўғрисида маълумот тақдим этилади.
- Шунингдек, “Кўп квартиралли уйнинг ертўласидан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Низомда ертўладан фойдаланувчи

Internet botlarga ishonsa bo‘ladimi?

Marjona MUZAFFAROVA, Toshkent davlat yuridik universiteti talabasi.

Hozirgi kunda dunyoda axborot texnologiyasi bilan qamrab olinmagan birorta joy yoki soha qolmadi desak, mubolag'a bo'lmaydi. Zamonaviy texnologiyalar o'ziga xos qulayligi, tezligi va boshqa jihatlari bilan ajralib turishini hisobga olgan holda, ularga bo'lgan talabning kundan-kunga o'sib borishi tabiiy hol. Shunday axborotlashgan zamonda yashash bugun unchalik ham qiyin bo'lmay qoldi.

Buning sababi oddiy – murakkab ishlarni robotlar yoxud internetdagi botlar bajara boshladi. Ba'zi ustamonlar esa bu imkoniyatdan o'zlarining noqonunuy ishlarni ro'yobga chiqarish va iqtisodiy manfaatlari yo'lida foydalanmoqda. Eng achinarlisi, bunday fribgarlikka xalqimizning ba'zi bir “sodda” qismi aldanib qolayotganidir.

**QISMLAR NIMA VA
U QAY TARTIBDA
ISHLAYDI?**

Axborot texnologiyalar va Internet botlari mohiyatan bir-biriga yaqin bo'lgan raqamli vositalardir. Bot – “Robot” so'zining qisqartmasi bo'lib, internet-bot deb ham ataladi. Bu foydalanuvchi yoki boshqa dastur uchun agent sifatida qo'llaniladi. Shuningdek, botlar inson faoliyatini simulyatsiya qilish uchun ishlaydigan kompyuter dasturi hisoblanadi.

Botlar odatda ma'lum vazifalarni avtomatlashtirish uchun ishlatiladi, ya'ni, ular odamlarning maxsus ko'rsatmalarisiz ham ishlashi mumkin. Tashkilot yoki shaxs bajarishi kerak bo'lgan vazifalar botlar yordamida amalga oshiriladi. Buning ustiga botlar vazifalarni

odamlarga qaraganda tezroq bajaradi. Garchi botlar foydali funksiyalarni bajaradisa-da, zararli dastur shaklida yaratilgan bo'lishi ham mumkin. Har qanday vosita kabi botlar ham yaxshi va zararli maqsadda ishlatilishi mumkin.

**OQIBATLARI HAQIDA
NIMALARNI BILAMIZ?**

Odatda, botlar internet tarmoq orqali ishlaydi. “Yaxshi” botlar foydali vazifalarni bajaradi, insonlarning “og'irini yengil qiladi”. “Yomon” yoki zararli botlar esa istalgan hajmdagi veb-saytlarni buzish, spam yuborish, josuslik qilish, to'xtatish va buzish, ma'lumotlarni o'g'irlash, fribgarlik va DDoS hujumlari kabi jinoyi harakatlar uchun ishlatiladi. Buning oqibatida, nafaqat O'zbekistonda, balki xorijiy mamlakatlarda ham odamlar ushbu jinoyatlar qurboni bo'lib qolmoqda. Hozirda hisob-kitoblarga ko'ra, barcha internet trafikning yarmigacha mijozlarga xizmat ko'rsatishni avtomatlashtirish, ijtimoiy tarmoqlarda odamlarning o'zaro munosabatlariga taqild qilish, kompaniyalarga internetdagi kontent topishda yordam berish va qidiruv tizimini optimallashtirish kabi aniq vazifalarni kompyuter botlari bajar-

moqda. Barracuda xavfsizlik firmasining 2021-yilgi “Bot hujumlari: eng yaxshi tahdidlar va tendentsiyalar” nomli tadqiqot hisobotiga ko'ra, internet trafikning uchdan ikki qismidan ko'prog'i botlarga to'g'ri keladi. Bundan tashqari, yomon bot-trafikning 67 foizi Shimoliy Amerikadagi ommaviy ma'lumotlar markazlaridan kelib chiqadi.

Oxirgi paytlarda O'zbekistonda ham bunday internet botlar ko'plab uchrayapti. Ammo ularning aholiga nisbatan xavfsizlik darajasi qandayligini hammamiz bilamizmi? Ba'zi insonlar bu vaziyatga o'zi tushub qolmaguncha ishonmaydi. Shuning uchun ham fribgarlarning “qaramog'i”ga osonlikcha ilinadilar. Misol qilib kundalik hayotimizda eng ko'p foydalanadigan “Telegram” tarmog'ini olsak. “Ushbu havolani do'stingizga yuboring va pul ishleng” yoki “Bir kun ichida bir tanishim shu bot orqali katta miqdorda pul ishladi, sizchi?” deb yozilgan xabarlarini har birimiz o'qiganmiz. Agar ularning kanaliga qarasangiz, insonlarni ishonitirish maqsadida kimningdir karta raqamiga muayyan miqdorda pul o'tkazilganligini ko'rish mumkin. Vaholanki, surishtirib ko'rsangiz, hammasi yolg'on ekanligi ma'lum bo'ladi. Tan olib aytish kerakki, yurtdoshlarimizning katta qismi ushbu jarayonda o'zini sinab ko'rib, hattoki, karta raqamini jo'natib, fribgarlarning “qurboni”ga aylangan.

Achinarli jihati shundaki, aholi qanchalik ogohlantirilsa ham, bu turdagi jinoyatlar ortib bormoqda. O'zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi saytining kiberxavfsizlik bo'limi bergan ma'lumotlarga qaraganda, bunday jinoyatlar yurtimizning barcha hududlarida amalga oshirilmoqda. Agarda siz ham fribgarlar tomonidan aldanib

qolib, pullaringizni o'g'irlatgan bo'lsangiz, Ichki ishlar vazirligiga murojaat qilishingiz kerak bo'ladi.

**QONUNCHILIKDA
QANDAY JAVOBGARLIK
BOR?**

Joriy yilning 19-oktabr kuniga qadar, Jinoyat kodeksining 168-moddasi ikkinchi qismi “v” bandiga ko'ra, kompyuter texnikasi vositalaridan foydalanib jinoyat sodir etilgan bo'lsa, 30 mln so'mdan 90 mln so'mgacha jaramo belgilanadi. Shuningdek, 3 yilgacha axloq tuzatish ishlari yoki 3 yildan 5 yilgacha ozodlikni cheklash yoxud uch yildan besh yilgacha ozodlikdan mahrum qilish jazosi ham qo'llaniladi.

2022-yil 19-oktabr kuni Prezident “O'zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish to'g'risida” Qonunni imzoladi. Ushbu Qonunda fribgarlikni axborot texnologiyalaridan foydalanib jinoyat sodir etganlik uchun javobgarlik kuchaytirilishi belgilangan. Endilikda bu jinoyat BHMning 300 baravari (90 mln so'm)dan 400 baravari (120 mln so'm)gacha jarima yoki 2 yildan 3 yilgacha axloq tuzatish ishlari yoxud muayyan huquqdan mahrum etib, 5 yildan 8 yilgacha ozodlikdan mahrum qilish bilan jazolanadi.

Shu maqsadda huquqni muhofaza qiluvchi organlar xalqni ogohlilikka, bunday fribgarlik jinoyati qurboni bo'lmaslikka chorlamoqda. Bu borada aholining huquqiy ong va huquqiy madaniyatini oshirish bo'yicha bir qancha choralar qo'llanilmoqda. Zero, Qonunni bilmaslik hech kimni javobgarlikdan ozod etmaydi! Ogohlilik esa hamisha davr talabidir!

Туғилган кунингиз муборак бўлсин!

Март ойининг шу кунларида таваллуд айёмларини нишонлаётган

“Ташгипрогор” АЖ техник бўлими бош газ муҳандиси **Ирина Нозарина,**

Андижон вилояти, Марҳамат тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи – бош архитектор **Сардор Ҳомидов,**

Жиззах вилояти, Фориш тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи – бош архитектор **Маҳмуд Эгамбердиев,** Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси Қурилиш-синов лабораторияси ва бино-иншоотларнинг техник ҳолатини ўрганиш бўлими лаборанти **Отабек Турпов,**

Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош режарлари амалга ошириш ва объектларни жойлаштириш бўйича архитектор **Бийсен Сапарбаев,** Қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг маркази катта мутахассиси **Баҳар Даулетмуратова,**

Самарқанд вилояти, Иштихон тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси **Бунёд Мамарасулов,**

Тошкент шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси хайдовчиси **Нуриддин Инагомов**ларни таваллуд кунини чин дилдан муборакбод этамиз.

**Уларга сийҳат-саломатлик,
узоқ умр, оилавий хотиржамлик,
мустақкам соғлиқ тилаймиз!**



IJTIMOY-IQTISODIY GAZETA
**O'ZBEKISTON
BUNYODKORI**
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

- Батир Закиров (Таҳрир хайъати раиси), Шерзод Хидоятлов, Давронжон Адиллов, Жалол Арашов, Қозим Туляганов, Юлдаш Мағрупов, Жамшид Исмаилов, Бобир Элмуродов, Қудратбек Хошимбеков.

ТАҲРИРИЯТ:

- Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**
Бош муҳаррир ўринбосари **Райҳона Ҳўжаева**
Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**
Мусахҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

Газета «Ўзбекистон бунёдкори» **НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ ТУМНИДАН НАШРГА ТАЙЁРЛАНДИ.**

**«ЎЗБЕКISTON БУНЁДКОРИ»
НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ
МУАССИСЛАРИ:**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиғи, «Узсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвeст» ИК МЧЖ, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100035, Тошкент шаҳри, Ниёзбек йўли кўчаси, 1-уй.
Телефонлар:
71-234-47-18 (қабулхона),
71-234-47-19 (таҳририят),
71-234-47-20 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

**ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ
ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**

- Қорақалпоғистон Республикаси: 90-590-37-15.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-705-50-15.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 90-553-02-34.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сурхондарё вилояти: 91-981-61-63.
Фарғона вилояти: 90-230-85-23, 90-163-63-82.
Қашқадарё вилояти: 99-503-43-39.
Хоразм вилояти: 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигидан 0874-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-337. 1770 нусхада босилди. Қўғоз бичими А-2. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоиси келишилган нархда. ISSN 2181-8762. Таҳририятга келган кўпёзмалар такриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Навбатчи муҳаррир – Р. Ҳўжаева.

Навбатчи – И. Ибодулло.

ЎАД якуни – Топширилди – 23.00. 1 2 3 4 5 6